

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

, 25 “ декабрь 2017 й. г. № 1018

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлааро
муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси
хузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлааро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2993-сон қарорига мувофиқ миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, ижодий уюшмалар, давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлааро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлааро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлааро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “25” декабрдаги
1018-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари
қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (кейинги ўринларда Кўмита деб юритилади) ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда Жамоатчилик кенгаши деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи маслаҳат органи ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши Кўмита ҳузурида тузилади ҳамда унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг бутун худудига нисбатан татбиқ этилади.

3. Жамоатчилик кенгашининг регламенти Жамоатчилик кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

**2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий мақсади,
вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

4. Куйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Кўмитанинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор фаолиятининг энг муҳим масалалари юзасидан жамоатчилик фикрининг тизимли мониторинги олиб борилишини ва ҳар томонлама таҳлил қилинишини амалга ошириш;

Кўмита фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий хужжатларни, шунингдек ички идоравий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг Кўмита ходимлари ўртасида муҳокамасини ташкил қилишда иштирок этиш;

Кўмита фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш юзасидан мазкур органда соғлом маънавий-рухий ҳолатни, қонунийлик, юқори ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Кўмита фаолияти бўйича тушунтириш ва маърифий ишларни олиб боришни тизимли ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Кўмита фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш.

5. Жамоатчилик кенгаши ўзининг асосий вазифаларига мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Кўмита фаолиятига оид ташаббус ва мурожаатларини кўриб чиқишида иштирок этади, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Кўмитага тегишли таклифлар тайёрлайди;

Кўмита билан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг самарали шакл ва усулларда ўзаро ҳамкорлиги таҳлилини амалга оширади, шунингдек, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Кўмита фаолиятига доир норматив-хуқуқий хужжатларни, шунингдек ички идоравий хужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ҳамда ушбу таклифларни ходимлар ўртасида муҳокама қилиш бўйича тадбирларни ташкил қилишда иштирок этади;

Кўмитада қонунийлик, юқори хукукий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга садоқат ва қонунларга хурмат руҳини кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, психологик ва маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтириш бўйича таклифлар тайёрлайди, ушбу соҳада маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этишда иштирок этади, шунингдек, бу борадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Кўмита фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича мамлакат ҳудудида ва хорижда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда маълумот беради ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларни бартараф қилиш ҳақида таклифларни ишлаб чиқади;

Кўмита фаолиятини ислоҳ қилишга бағишлиланган илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, “давра сұхбатлари”ни ташкил қилишда иштирок этади;

Кўмита фаолиятини расмий веб-сайтларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаларини таҳлил қиласди, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ўз вазифаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролик жамиятиянинг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласди.

6. Жамоатчилик кенгаши ўзининг асосий вазифалари ва функцияларини бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида Кўмитадан керакли хужжатларни, статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраб олиш ва қабул қилиш;

Жамоатчилик кенгаши ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан иборат жамоатчилик комиссияларини ташкил этиш;

Кўмита раҳбари билан келишган ҳолда Кўмитада ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

ходимлар (хизматдан бўшатилган ходимлар) ҳамда улар оила аъзоларининг конституциявий ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таҳлилий ўрганиш;

Кўмита ва Жамоатчилик кенгаши ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Кўмита ва Жамоатчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларга давлат, жамоат, маданият ва санъат арбоблари, олимлар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш, шунингдек, улар билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилиш;

Жамоатчилик кенгашининг фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳукуқий ҳужжатларга, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиш;

фойдаланиш доираси чекланган тоифадаги ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркиби

8. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиб ва аъзолар киради. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

9. Кўмита раиси ёки уни вазифасини бажарувчи шахс Жамоатчилик кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифасини бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.

Кўмита ходимлари, фахрийлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари Жамоатчилик кенгашининг таркибига киритилиши мумкин.

10. Жамоатчилик кенгаши раиси Жамоатчилик кенгаши фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ҳамда қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

Жамоатчилик кенгаши мажлисини чақириш ва кун тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгаши мажлисига раислик килиш;

Жамоатчилик кенгашининг иш режаси, Жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомаси ва Жамоатчилик кенгашининг иш юритувига оид бошқа хужжатларини тасдиқлаш;

Жамоатчилик кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат килиш;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг уларга қўйилган топшириқларни бажариш ишини ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасига Жамоатчилик кенгашига кирувчи шахсларни унинг таркибидан чиқариш бўйича таклифларни киритиш.

11. Жамоатчилик кенгаши раиси йўқлигига унинг ваколат ва вазифаларини жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари амалга оширади.

12. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари:

Жамоатчилик кенгаши раиси бўлмагандага жамоатчилик кенгаши мажлисларига раислик қиласи;

Жамоатчилик кенгаши қарорлари бажарилишини назорат қилиш ишларини ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласи ҳамда ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

қонун хужжатлари ва Жамоатчилик кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Жамоатчилик кенгаши масъул котиби:

Жамоатчилик кенгашининг мажлисига керакли хужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартиби бўйича ўтишини ташкил этади;

Жамоатчилик кенгаши раиси билан мажлис ўтказиш муддати, жойи ҳамда таклиф қилинувчилар ҳақида маслаҳатлашади;

Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни мажлис ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳақида хабардор қиласи;

Жамоатчилик кенгаши қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклиф киритади;

Жамоатчилик кенгаши баённомасини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомани Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди.

14. Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида кўриладиган масалаларни ҳал қилиш ва муҳокама қилишда ўз ваколатларини бериш хуқуқисиз қатнашадилар. Жамоатчилик кенгаши аъзолари айрим ҳолларда жамоатчилик кенгаши мажлисларида қатнаша

олмаган тақдирда ўз фикрларини ёзма тарзда Жамоатчилик кенгаши масъул котибига тақдим этишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган фикрлар мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади;

Кўмита фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлар ва ички идоравий хужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг хукуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини таъминлаш бўйича Жамоатчилик кенгашига таклифлар киритадилар.

4-боб. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи

15. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи таркиби Жамоатчилик кенгашининг аъзоларидан шакллантирилади.

16. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи:

Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг методик, ташкилий-хукуқий, ташкилий-техник таъминот масалаларини хал килади;

Жамоатчилик кенгашининг иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди, Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур хужжатларни тайёрлайди, Кўмита ходимларидан керакли хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Жамоатчилик кенгаши ваколатларига кирувчи мурожаатларни кўриб чиқади ва тегишли хужжатларни тайёрлайди;

Жамоатчилик кенгаши томонидан берилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

5-боб. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш

17. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу Низом асосида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган Регламентда белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Регламентда кўйидагилар белгиланади:

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг унинг фаолиятида иштирок этиши тартиби;

Жамоатчилик кенгаши йигилишларини ўтказилиш муддатлари ва тартиби;

Жамоатчилик кенгаши доимий ишчи органининг иш тартиби;

Жамотчилик кенгаши комиссияси фаолияти ва тузилиши тартиби, шунингдек, раҳбар ваколатлари ва уни сайлаш тартиби;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг ваколатларини тўхтатиши ва тугатиш тартиби;

Жамоатчилик кенгаши қарорларининг тузилиши ва уларни қабул қилиш тартиби;

Жамоатчилик кенгашида тадбирларга тайёргарлик кўриш ва тадбирларни ўтказиш тартиби;

Жамоатчилик кенгаши фаолияти тартибига доир бошқа масалалар.

19. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари Жамоатчилик кенгаши мажлисларида қўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгаши мажлиси Жамоатчилик кенгашининг иш режаси асосида камидаги хар йилда бир маротаба чақирилади.

Жамоатчилик кенгаши раиси Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камидаги учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

20. Жамоатчилик кенгаши мажлисларига миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Жамоатчилик кенгаши мажлисига таклиф қилинувчи шахслар рўйхати Жамоатчилик кенгаши раиси ва Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан келишган ҳолда Жамоатчилик кенгаши котиби томонидан шакллантирилади.

21. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Жамоатчилик кенгаши раиси топшириғи асосида Жамоатчилик кенгаши котиби томонидан шакллантирилади.

22. Жамоатчилик кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан олиб борилади. Раис иштирок эта олмаган ҳолларда мажлисга унинг ўринбосарни қиласи.

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида Кўмита раҳбарининг ўринбосарлари ёки бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгаши мажлиси унга таклиф қилинган шахсларнинг учдан икки қисмидан кам бўлмаган қисми (кворум) иштирок этган тақдирда қонуний хисобланади.

Агар мажлис олиб бориш учун кворум шаклланмаса, Жамоатчилик кенгашининг янги мажлис ўтказиш санаси эълон қилинади.

24. Жамоатчилик кенгашининг қарори унинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг келиб қолса, Жамоатчилик кенгаши раисининг овози ҳал қилиувчи аҳамиятга эга бўлади.

25. Жамоатчилик кенгаши қарор қабул қилишда масалаларни эркин муҳокама қилиш, овоз бериш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, тенглик ва коллегиалликка асосланади.

26. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинган қарорга ўзининг фикрларини ёзма тарзда билдириш ҳуқуқига эга. Бунда фикрлар Жамоатчилик кенгаши мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

27. Жамоатчилик кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмасдан Кўмитага юборилади.

Жамоатчилик кенгашининг қарори тавсиявий характерга эгадир. Агар қарор Кўмита томонидан маъқулланмаса, Кўмита қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн

кундан кечикмасдан Жамоатчилик кенгашига асослантирилган жавобини тақдим килади.

28. Тезкор қарор қабул қилиш зарурати келиб чикканда, Жамоатчилик кенгашининг қарори Жамоатчилик кенгаши раиси ташаббуси билан Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

29. Жамоатчилик кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Жамоатчилик кенгаши котиби томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдикланади ҳамда уч кунлик муддатда Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи ва котиби Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан биргаликда Жамоатчилик кенгаши қарорларини ижро этиши йўлларини тизимли ўрганади ва қўриб чиқади, зарур ҳолларда, Жамоатчилик кенгаши раисига таклифлар киритади.

31. Ишчи орган Жамоатчилик кенгаши қарорларини ижро этиш натижалари ҳақида ҳар ойда Жамоатчилик кенгаши раисига маълумот тақдим этади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

32. Жамоатчилик кенгашининг моддий-техник таъминоти Кўмита томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

33. Жамоатчилик кенгаши фаолияти устидан назоратни Кўмита раиси амалга оширади.

34. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари ҳамда Кўмита раисининг Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини ташкил этиш билан бοғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “25” декабрдаги
1018-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси
хузуридаги Жамоатчилик кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|--|---|
| 1. Лавозимиға кўра | - Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билин дўстлик алоқалари қўмитаси раиси, <i>Жамоатчилик кенгаши раиси</i> |
| 2. Лавозимиға кўра | - Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билин дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари, <i>Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари</i> |
| 3. Ишанходжаев Камолиддин Нуриддинович | - Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билин дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари, <i>Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари</i> |
| 4. Камилов Камалджан Сабитджанович | - Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими (<i>келишиув асосида</i>) |
| 5. Ахмеджанов Карим Бакиджанович | - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси проректори |
| 6. Назарбеков Озод Аҳмадович | - Маданият вазирининг биринчи ўринбосари |
| 7. Ниязходжаев Сайдикрам Пархатович | - Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари |
| 8. Сайдов Акмал Холматович | - Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори |
| 9. Маъруфова Гулнора Маҳмудовна | - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари |
| 10. Латипов Исфандиёр Худоёрович | - “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси |
| 11. Жавлонов Шавкат Сардарович | - “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси |
| 12. Мелиев Худоёр Хуррамович | - Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи |
| 13. Турдикулов Шухрат Худойқулович | - Тошкент шахри ҳокимининг ўринбосари, шаҳар миллий-маданий марказлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси |
| 14. Юсупов Ортиқбек Одилович | - Дин ишлари бўйича қўмита раиси |
| 15. Таджиев Одил Патихджанович | - Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари |

- | | |
|---|---|
| 16. Жалилов Шуҳрат Илҳамовиҷ | - “Нуроний” жамғармаси раиси |
| 17. Абдуллаев Рустам | - Бастакорлар уюшмаси раиси |
| 18. Нуритдинов Ақмал Ваҳобжонович | - Ўзбекистон Бадиий академияси раиси |
| 19. Қодиров Алишер | - Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| 20. Махмадалиев Баҳтиёр Хасанович | - Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари |
| 21. Саидов Сироҷиддин Салоҳович | - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 22. Нуритдинов Хайрулла Боқижонович | - Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари |
| 23. Мансуров Комил Тоҳирович | - Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари |
| 24. Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович | - Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти |
| 25. Зокиров Орифхон Анварович | - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Маданият, санъат ва ёшлари сиёсати масалалари ахборот таҳлил департаментининг бош мутахассиси |
| 26. Лавозимига кўра | - Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билин дўстлик алоқалари қўмитаси масъул ходими, <i>Жамоатчилик кенгаши масъул котиби</i> |
| 27. Лавозимига кўра | - Дўстлик жамиятлари ва Миллий маданий марказлар раҳбарлари |

Изоҳ. Жамоатчилик кенгаши аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу
лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифасини бажарии зиммасига юкланганд шахс
киритилади.

